

zararkunandalariga qarshi kurashish maqsadida foydalansa ham bo'ladi, bu holda qator oralarini yumshatish bilan birga g'o'zalarga dori ham purkaladi. G'o'za qatorlariga dori purkashda ish eritmasi gektariga 150-200 l hisobidan, qatorlarning himoya zonasiga purkashda esa 300-400 l hisobidan sarflanadi.

Go'zalarni turli kasalliklardan va zararkunandalardan himoyalash, begona o'tlarni yo'qotish va yig'im-terim oldidan g'o'zalar bargini to'ktirish (defoliatsiya) maqsadida dalalarga dori purkash va changitish uchun OPX-28 changitish moslamasi bilan ta'minlangan ventilyatorli purkagich OVX-28 ishlab chiqarilmoqda.

**Xulosa:** Agarda, shtangali, lentali purkagichlardan foydalanilsa, unda ishchi suyuqlik faqatgina bargning ustki qismiga sepiladi natijada barg tagidagi zararkunandalarga ta'sir ancha kam bo'ladi. G'o'za kultivatoriga o'rnatiladigan shtangali suspenziya sepish qurilmasi, smaradorligi yanada oshishi ko'zda tutiladi. Bunday tajriba oldin qo'llanilmaganligi sababli samratorligi yuqori bo'lishi kutilmoqda. Purkagich va purkagich ventilyatori parametrlari chizmalar asosida hisoblanib, qanday o'rnatilish usullari o'rganilib chiqildi. Bunda purkash qurilmasi parametrlarining harakat tezligiga bog'liqligi va agregat energetik ko'rsatkichlariga ta'siri qay darajada bo'lishiga bevosita bog'liqdir.

## **МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ АСОСЛАРИ**

**Ж.Ш.Йўлдошов – магистрант, А.И.Насиров – талаба, Ш.Т.Раззаков – доцент**

**Аннотация.** Мақола, техник хизмат кўрсатиш ҳудудида машина-трактор паркидан ишлаб чиқариш техник фойдаланиш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар бўйича агротехник хизмат кўрсатиш тизими корхоналари фаолиятини баҳолашни амалга оширишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** тракторлардан фойдаланишда техник хизмат ўтказишни ташкиллаштириш.

**Кириш.** 2017 йилга келиб мамлакат бўйича 1757 та бу шаклдаги машина-трактор парклари фаолият кўрсатмоқда. Аммо ММТПлар ва хўжаликлар ўртасидаги ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тўлалигича ҳал этилмаганлиги сабабли бу сервис корхоналари монополь корхоналарига айланиб бормоқда ҳамда агротехник тадбирларда белгиланган барча турдаги механизация билан бажариладиган ишларни амалга ошириш имкониятига эга эмаслар. Бозор иқтисодиёти шароитида техника воситаларидан самарали фойдаланиш ва механизмлар билан бажариладиган ишларга бўлган талабни қондириш мақсадида техник сервис тизимини ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш ва хизмат нархини камайтириш мақсадида турли мулкчилик шаклиги асосланган техник сервис корхоналарини тузиш ва улар фаолиятини ривожлантириш лозим бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, тракторларнинг узель, механизм ва системаларида техник хизмат кўрсатишдаги уларнинг эксплуатацион технологик хусусиятларини яхшилаш халқ хўжалиги олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу ишнинг асосий мақсади машина-трактор паркидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, техник хизмат (сервис) ўтказишда тракторларнинг эксплуатацион технологик хусусиятларини яхшилаш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл меҳнати сиғимини янада камайтириш, механизаторлар учун қўлай шаройитлар яратишдан иборат.

**Ўтказилган тадқиқотлар.** Жаҳонда барча ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хўжалиги йуналишидаги тракторларнинг асосий - 82...98%, ғилдиракли тракторлар улушига тугри келмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу ишлаб чиқаришдаги ғилдиракли тракторларнинг қуввати 70 Квт ва ундан юқори бўлсагина, белгиланган самарадорлик даражасига эришиш мумкин.

Шундай қилиб, келгусида Ўзбекистон Республикаси машина-трактор паркларини (МТП) асосий энергетик восита бўлиб, ғилдиракли тракторлар эгаллайди. Лекин, МТП да

тракторлар микдорининг кескин ошиб бориши билан техник хизмат (ТХ) ва диагностик ишларнинг меҳнат сизим харажатлари ошиб боради, бу харажатлар ушбу деталь, узель ёки механизмни тайёрлаш (ишлаб чиқиш) харажатларидан ҳам ошиб кетади. Тракторлар уч йил давомида фойдаланилгандан сунг, бу харажатлар унинг балансидаги кийматига нисбатан 20% дан ошиб кетади, айрим хужаликларда 40% ни ташкил этмокда. Шундан, бу харажатларнинг 70% ТХ ўтказиш ва юз берган ўтказларни бартараф этишга сарфланмокда. Айниқса, бу харажатларнинг 30% дан 50% гача булган меҳнат сизими тракторларнинг двигателига туғри келмокда.

Маълумки, машиналарнинг техник-эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш мумкин, агар бунда албатта ТХ ва диагностика ўз вақтида ва сифатли амалга оширилса. Лекин, тракторларни Самарканд вилояти фермер хўжаликларида эксплуатация қилиш давомидаги кузатувларимиз шуни кўрсатмокдаки, жойларда айрим ТХ операциялари бажарилмасдан, ўтказилмасдан колмокда. Айрим ТХ операциялари эса, шу русумли трактордан фойдаланиш давомида, ўтказилишини тақоза қилмайди ҳам. Бунинг сабаби шундан иборатки, стандарт бўйича ва ишлаб чиқарган завод томонидан кўрсатилган қатор ТХ технологик операциялари "ўртача статистик" трактор учун кўрсатилган. Хўжаликларда тракторлардан фойдаланиш шарт-шаройитлари турлича бўлгани учун бундай ТХ технологик операцияларини ўтказилишига эҳтиёж бўлмайди. Тракторларга ТХ ўтказиш даврийлиги бундай ҳолатда оптимал бўла олмайди. Бунинг натижасида, тракторлардан фойдаланишдаги эксплуатацион харажатларни ошишига, тез-тез носозликлар натижасида техник ресурсларини камайишига олиб келади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмокдаки, двигателнинг нотўғри созилганлиги ва юз берган носозликлари натижасида унинг қуввати 12...17% йукотилар экан, бунинг натижасида унинг иш унумдорлиги 15...34% камаяди. Бу эса, бир смена давомида 1,2 дан 2,4 соатгача ТХ ўтказиш учун мажбурий тўхтаб туришига тенгдир.

Юқоридаги таҳлиллардан яхши кўриниб турибдики, тракторлар двигателида ўз вақтида ТХ технологик операцияларини ўтказиш орқали юзага келаётган носозликларини ва кутилмаган носозликларини оғохлантириш имкони юзага келади, бу эса тракторлардан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади. ТХ қондаларини бажариш 2,5 мартага носозликлар сонини камайишига олиб келади. Мисол учун, Самарканд вилояти фермер хўжаликларида 1000 мото-соат фойдаланилган ТТЗ-80-11 тракторининг ТХ га кетадиган меҳнат сизими 104 соатни, носозликларини бартараф этиш учун эса 133 соат микдорида вақт сарфланар экан. Агар, ТХ ўтказиш учун факат 128 соат сарфланса, унда кутилмаган носозликларни бартараф этиш сарфланадиган вақт 60 соатга, яъни 2,2 маротобага камаяди. Бунда, бир носозлигга тўғри келадиган тракторнинг ўртача сарфи 96,9 мото-соатдан 140,9 мото-соатгача, яъни 1,5 мартага купаяди.


Юқорида ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ТХ нинг технологик операцияларини ўтказиш учун кун сайин ошиб бораётган меҳнат сизимини камайитиришнинг йўлларида бири босқичма-босқич режали-оғохлантирувчи ТХ кўрсатиш тизимидан тракторларнинг ҳақиқий техник ҳолатига қараб ТХ ўтказиш тизимига ўтиш бўлиб колмокда.

**Тадқиқот натижалари.** Лекин, ишлаб чиқарилаётган тракторларнинг эксплуатацион технологик конструкция хусусиятларининг (ЭТК) ўта пастлиги натижасида ўтказилаётган ТХ ва диагностик ишларнинг меҳнат сизимлари ошиб бормокда, бу эса тракторларни кўплаб вақт давомида фойдасиз туриб қолишларига, натижада иш унумдорлигини камайиб кетишига сабабчи бўлмокда. ТХ ни машиналарнинг ҳақиқий техник ҳолатига қараб ўтказиш, диагностик операцияларнинг микдорини ҳамда диагностик технологик операцияларнинг меҳнат сизимларини ошишига олиб келади.

Мавжуд бўлган диагностик техник қурилмалар ёрдамида ташхис қўйиш, диагностик бу қурилмаларни тракторнинг деталь, узель ва механизмаларига ўрнатиш меҳнат сизимлари ҳам, уларнинг ўнгайсиз ва етарли даражада конструктив ишланмаганлиги натижасида, сезиларли даражада кўпдир.

ТХ ва диагностика ўтказишда сарфланадиган меҳнат сиғимларини камайтириш факатгина ТХ тизимини такомиллаштириш, диагностика ўтказишнинг методларини ва воситаларни такомиллаштириш билан эришиб булмайди.

Бунинг учун, тракторларнинг ЭТК ошириш лозим бўлади, бунда ЭТК нинг куйидаги расмда кўрсатилган кўп киррали кўрсаткичларни комплексли ишлатган холда, амалга ошириш мумкин (расм-1).



Расм-1. Тракторларнинг эксплуатацион технологик конструкциявий (ЭТК) хусусиятларини яхшилашнинг мажмуовий омиллари.

## ИССИҚХОНАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ИШЛАТИШ УСУЛЛАРИ

**И.Темиров – талаба, Э.Исмаилов - доцент**

**Аннотация.** Ҳозирги вақтда иссиқхоналарнинг янги авлодларида замонавий инновацион технологиялардан, модернизациялашган ва тўлиқ автоматлаштирилган бошқарув тизимидан фойдаланиш, яъни саноатнинг қишлоқ хўжалиги амалиётига йўналтирилганлиги ёпиқ майдонларда сабзавотлар, гуллар ва цитрус мевалардан экологик тоза юқори ҳосил олиш имкониятини яратмоқда.

**Таянч иборалар:** каркас, дренаж, фотосинтез, контур, комбинация.

Иссиқхона усти ойнаванд ромлар ёки шаффоф плёнка билан ёпилиб деҳқончилик қилинадиган қурилмадир.

Иссиқхонанинг бир нишабли, блокли, минорали, икки нишабли, арка шаклдаги, гиперболаик турлари мавжуддир.